Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 255-ҳадис

31- بَابُ الإِصْلَاحِ بَيْنَ النَّاسِ

31-боб

Кишилар орасини ислоҳ қилиш баёни

قَالَ اللهُ تَعَالَى : {لَا خَيْرَ فِي كَثِيرٍ مِنْ نَجْوَاهُمْ إِلَّا مَنْ أَمَرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَاحٍ بَيْنَ النَّاسِ}.

وَقَالَ تَعَالَى : {وَالصُّلْحُ خَيْرٌ}.

وَقَالَ تَعَالَى : {فَاتَّقُوا اللهَ وَأَصْلِحُوا ذَاتَ بَيْنِكُمْ}.

وَقَالَ تَعَالَى : {إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ}.

Аллоҳ таоло: «**Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан – агар садақа беришга ёки бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар – ҳеч қандай фойда йўқдир**» (Нисо сураси, 114-оят).

«**Сулҳ** (ажралиб кетишдан) **яхшироқдир**» (Нисо сураси, 128-оят).

«**Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнглангиз!**» (Анфол сураси, 1-оят).

«**Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки – оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар**» (Ҳужурот сураси, 10-оят), деб айтган.

255 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ : «كُلُّ سُلَامَى مِنَ النَّاسِ عَلَيْهِ صَدَقَةٌ كُلَّ يَوْمٍ تَطْلُعُ فِيهِ الشَّمْسُ، يَعْدِلُ بَيْنَ الاِثْنَيْنِ صَدَقَةٌ، وَيُعِينُ الرَّجُلَ فِي دَابَّتِهِ فَيَحْمِلُهُ عَلَيْهَا، أَوْ يَرْفَعُ لَهُ عَلَيْهَا مَتَاعَهُ صَدَقَةٌ، وَالْكَلِمَةُ الطَّيِّبَةُ صَدَقَةٌ، وَبِكُلِّ خَطْوَةٍ تَمْشِيهَا إِلَى الصَّلَاةِ صَدَقَةٌ، وَتُمِيطُ الأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ صَدَقَةٌ».

مُتَّفَقٌ عَلَيهِ]. [خ 2989، م 1009 وسبق برقم 127 .

ومعنى «يَعْدِلُ بَيْنَهُمَا»: يُصْلِحُ بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ.

255. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Қуёш чиққан ҳар бир кунда одамларнинг ҳар бир бўғими учун садақа лозим. Икки киши ўртасида адолат қилиш ҳам садақадир. Бир кишига улови борасида ёрдам бериб, уни миндириб қўйиши ёки юкини ортиб бериши ҳам садақадир. Ширин сўз ҳам садақадир. Намоз сари босган ҳар бир қадами ҳам садақадир. Йўлдан озорни олиб ташлаш ҳам садақадир»**.

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz